



УМУМИЙ СУГУРТА СОҲАСИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ (ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ АСОСИДА)

Маврулова Нилуфар Абдухалиловна

Тошкент молия институты доценти, PhD

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 4

DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss4/a6

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистонда умумий сугурта соҳасига оид асосий молиявий натижаларнинг мамлакат иқтисодиётининг ўсишига таъсири эконометрик моделлаштириш асосида корреляцион-регрессион таҳлил қилинган, таҳлил натижаларининг ишончлилигини таъминлаш мақсадида бир нечта гипотеза шакллантирилган. Шунингдек, умумий сугурта мукофотларининг ва тўловларининг ўсиш динамикаси инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда ўрганилган.

KEYWORDS

умумий сугурта соҳаси, сугурта мукофотлари, сугурта тўловлари, инфляция, инвестиция, ЯИМ, моддий фаровонлик.

Кириш

Умумий сугурта соҳасига мамлакат сугурта бозорида жамланган маблағларнинг 76 фоиздан ортиқ қисми тўғри келиши соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўғридан-тўғри таъсир қилишини аниқлатади. Сугурта компанияларида катта ҳажмда захираларнинг шаклланиши уларни тижорат банклари, фонд биржалари орқали иқтисодиётнинг молиявий қўмакка муҳтож соҳаларига йўналтирилишини рағбатлантиради. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда сугурта тизими орқали катта молиявий муаммолар ҳал этилади, бундай ҳолат сугурта компанияларида катта миқдорда ресурс тўпланишидан, сугурта хизматларидан фойдаланиш даражасининг юқорилигидан дарак беради. Сугурта хизматларидан фойдаланишга бўлган талаб тўғридан-тўғри аҳолининг даромадлилик даражасига боғлиқлигидан келиб чиқади. Аҳолининг турмуш фаровонлиги юқори бўлган жамиятда ўзининг ҳаёти, мол-мулки, кадр-қимматга эга объектларини асрашга, уларни турли нохуш ҳодисаларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашга интилиш мавжуд бўлади. Бу эса нафақат инсонларнинг шахсий, балки, жамиятнинг, шу жамиятга хизмат кўрсатувчи тармоқ ва соҳаларнинг ҳам фаровонлигини таъминлайди. Шу нуқта-назардан қараганда, сугуртани иқтисодиётнинг ҳаракатланишини рағбатлантирадиган омил сифатида эътироф этиш мумкин, куйида соҳанинг ривожланганлик индексини баҳолайдиган асосий кўрсаткичларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти, макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири таҳлилин ўрганамиз, эконометрик моделлаштириш асосида таҳлил қиламиз.

Тадқиқотни амалга оширишдан мақсад

Тадқиқотни амалга оширишдан мақсад Ўзбекистонда умумий сугурта соҳасига оид асосий молиявий натижаларнинг мамлакат иқтисодиётининг ўсишига таъсири эконометрик моделлаштириш асосида корреляцион-регрессион таҳлил қилиш ва умумий сугурта соҳасига оид сугурта мукофотлари ва тўловларининг ўсиш динамикасини инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ўрганишдан иборат.

Асосий қисм

Умумий сугурта мукофотлари ва тўловларининг йиллик қийматлари умумий тенденцияни ифодаламайди. Бунинг учун уларнинг ўсиш даражасини аниқлаш ҳамда таққослама нархга


келтириш муҳим ҳисобланади. 1-жадвалда Ўзбекистонда умумий сугурта соҳасининг 2014-2022 йиллардаги ривожланишининг реал ҳолати инфляция даражаси ҳисобга олинган ҳолда акс этган.

1-жадвал

Умумий сугурта мукофотлари ва тўловлари ҳамда уларнинг ўсиш тенденциялари[1]

Йиллар	Сугурта мукофотлари			Сугурта тўловлари		
	жорий баҳолар ида	2022 йил баҳолари да	ўзгариш и, %	жорий баҳолари да	2022 йил баҳолари да	ўзгариш и, %
2014	417,6	1077,27	-	63,5	163,81	-
2015	518,1	1231,82	1,14	89,2	212,08	1,29
2016	633,4	1384,15	1,12	95,9	209,57	0,99
2017	788,9	1513,57	1,09	191,7	367,79	1,76
2018	1217,9	1988,64	1,31	196,9	321,51	0,87
2019	1727,5	2463,52	1,24	284,2	405,29	1,26
2020	1879,3	2373,78	0,96	419,6	530,01	1,31
2021	3015	3437,10	1,45	618,7	705,32	1,33
2022	4707	4707,00	1,37	1098,7	1098,70	1,56

Сугурта мукофотлари ҳажми таққослама баҳоларда 2022 йилда 2014 йилга қараганда 3629,73 млрд. сўмга, ўзгариш суръати эса 4,3 баробардан зиёдга ошганлигини кўришимиз мумкин. Сугурта тўловлари эса 2022 йилги таққослама баҳоларда 2014 йилга нисбатан 6,7 марта ошган.



1-расм. Умумий сугурта мукофотлари ва тўловлари ҳамда уларнинг ўсиш тенденциялари[1]

Ўзбекистонда сугурта соҳасининг қамров кенглиги даражаси жуда паст бўлиб, бунини сугурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугурта миқдори билан ифодалаш мумкин. Мазкур тадқиқотда биз аҳоли даромадларининг умумий сугурта мукофотлари ҳажмига ҳамда умумий сугурта соҳасида тўплаган ресурсларнинг компаниялар томонидан йўналтириладиган инвестиция ҳажмига таъсирини эконометрик моделлаштириш асосида таҳлил қиламиз. Дастлаб, бу борада хорижий иқтисодчи олимларнинг эришган тадқиқот натижалари билан танишамиз ва тегишли хулосалар шакллантирамиз.

Халқаро илмий тадқиқотларда аҳоли даромадларининг сугурта тушумларига таъсири ҳамда уларнинг иқтисодийнинг молиявий муҳтож секторларига инвестиция киритишга таъсири билан боғлиқ қатор илмий ишлар мавжуд. Бадалов А.Д. (2020) [2;62-70], Борисов В.А. (2015) [3;123-130] ҳамда Петров В.С. & Иванова Е.Н. (2016) [4;127-133]лар томонидан инвестиция муҳити бўйича олиб борилган тадқиқотларда инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири ўрганилган.

Сугурта мукофотлари билан сугурта инвестициялари ўртасидаги боғлиқликка бағишланган фундаментал илмий тадқиқотлар Козлова А.А. (2018) [5;58-64] ҳамда Смирнов И.В. (2017) [6;612-618] лар томонидан таҳлил қилинган. Бадалов А.Д. (2020) [2;62-70] ўз мақоласида инвестицияларнинг иқтисодий ривожланишга эга бўлиши мумкинлигини эконометрик моделлаштирган. Оксфорд университети профессори Калленбергер М. (2016)нинг “Сугурта ва куч: Таҳлилий муаммолар ва ечимлар” номли илмий мақоласида сугурта компанияларининг иқтисодий самарадорлиги ва сугурта фаолияти орасидаги боғлиқликни таҳлил қилган. Бу таҳлилда компанияларнинг иқтисодий ва молиявий фаолиятига таъсир этадиган омиллар ўрганилган.

“Аҳоли даромадларининг сугурталанишга бўлган талабга боғлиқлиги қатор илмий тадқиқотларнинг, хусусан, Ли Х. & Ли Х. (2018) [7], Харди Д., Ли Х. & Миллер Р. (2016) [8], Смит А., Ли Х. & Браун М. (2014) [9], Жонсон Р., Ли Х. & Браун М. (2012) [10] ишларининг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади”. Ушбу адабиётлар сугурта билан аҳоли умумий даромадларининг боғлиқлик масаласи бўйича илмий тадқиқотларни бажариш учун манба вазифасини бажаради. Сугурта билан аҳоли умумий даромадлари масаласи бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда асосий хулосалар: сугурта фаолиятининг аҳоли даромадларининг ортиб бориши билан сугурта хизматларидан фойдаланиш фаоллашиши, компания фаолияти кенгайиши, ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишидаги роли ва аҳамияти келтирилган. Шунингдек, умумий даромадлар ортиши билан сугурта фаолиятининг молиявий ҳолати барқарорлиги ўсиши ҳам кузатишган. Шу билан бирга, илмий тадқиқотларда сугуртага бўлган талаб ва ишсизлик ҳолати каби иқтисодий омилларнинг аҳоли умумий даромадлари билан алоқаси ўрганилган.

Хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг сугурта фаолияти бўйича олиб борган тадқиқотларидан келиб чиқиб, диссертант томонидан қуйидаги иккита асосий гипотеза шакллантирилди.

H1: аҳоли даромадларининг ортиши умумий сугурта мукофотлари ҳажми ўсишига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади.

H2: умумий сугурта ҳажмининг ортиши эса сугурта компанияларининг инвестиция ҳажми ўсишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси умумий сугурта соҳасида йиғилган умумий сугурта мукофотлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган мукофотлар ҳажми, сугурта компаниялари инвестицияларининг 2010-2022 йиллар кесимидаги маълумотлари асосида STATA

	Coeff.	Std. Err.	z	P> z	[95% Conf. Interval]	
Structural						
lnins <-						
lninc_pc	1.826014	.0392275	46.55	0.000	1.74913	1.902899
_cons	-9.527623	.3544912	-26.88	0.000	-10.22241	-8.832833
lninv_ins <-						
lnins	.8666188	.047934	18.08	0.000	.7726698	.9605677
_cons	1.359116	.3357515	4.05	0.000	.7010548	2.017176
var(e.lnins)	.0034056	.001523			.0014175	.008182
var(e.lninv_ins)	.0170335	.0076176			.0070898	.0409234
LR test of model vs. saturated: chi2(1) =	16.37, Prob > chi2 = 0.0001					

2-расм. Модел натижалари

статистик дастуридан фойдаланиб, модел ишлаб чиқамиз.

Модел натижасида тўғри ва аниқ хулоса чиқариш имкони яратилди, моделнинг статистик ҳамда иқтисодий аҳамиятлиги асосида белгиланади. Энг кичик квадратлар методи билан ишланган моделларда t test қийматлари модел параметрларининг ишончлигини


Model	Obs	ll(null)	ll(model)	df	AIC	BIC
.	10	.	13.74733	6	-15.49467	-13.67916

Note: N=Obs used in calculating BIC; see [R] BIC note.

3-расм. Акайке ҳамда Байесиан тест қийматлари ифодаласа, максимум likelihood методида z test муҳимдир. Ҳар бир параметрнинг эҳтимоллик қийматлари нолга тенглиги, параметрлар статистик аҳамиятга эгалигини кўрсатмоқда. Бош гипотеза рад қилиниб, алтернатив гипотеза қабул қилинади. 95 фоизли ишонч билан иккита моделнинг барча параметрлари иқтисодий маънога эга, деган хулосага келиш мумкин.

Моделнинг сифатини текшириш учун Акайке ва Байесиан тест қийматларини қўлаймиз. Агар мазкур тест қийматлари манфий сон бўлса, модел кам хатоликка эга бўлиб, унинг қийматлари сифатли ҳисобланади.

Акайке ҳамда Байесиан максимум likelihood методи учун энг




4-расм. Қолдиқ қийматлар билан мос қийматларнинг боғлиқлиги муҳим тестлардан бўлиб, Акайке тест қиймати – 15,49 га тенглиги моделнинг айнан тўғри ҳолда тузилганлигини тасдиқлайди. Қолдиқлар модел мос қийматлари билан ўзаро боғланганлиги моделнинг гетероскадастлилик хусусияти бўлиб, бунда модел қийматлари амалиёт учун қўллаш имкониятини пасайтиради.

Координаталар текислигининг абцисса ўқида моделнинг мос қийматлари акс эттирилган, ордината ўқида қолдиқлар намоён бўлмоқда. Нукталар тарқоқ, умумий хусусиятга эга эмас. Бундан, модела гетероскадастлилик ҳолати мавжуд эмас, деган хулосага келамиз.

Моделнинг ишончлиги ва сифатини белгилаб берувчи барча асосий тестларга текшириш орқали унинг коэффициентларининг

иктисодий мазмунга мослиги аниқланди. Моделдан иқтисодий-ижтимоий муносабатларда зарур бўлган хулосалар чиқариб, таклифлар бериш мумкин.

Гипотеза бўйича олиб борилган тадқиқот натижасини қуйидаги расмда атрофлича тасаввур қилишимиз тўғри бўлади.



5-расм. Умумий сугурта мукофотларининг аҳоли даромадлари

инвестициялар билан боғлиқлиги

Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадликлари даражасининг бир фоизга ортиши умумий сугурта мукофотлари ҳажмининг 1,82 фоизга ортишини тасдиқлади. Бу миқдорнинг мунтазам ошиб боришини таъминлаш учун аввало аҳолининг сугурта саводхонлигини ошириб бориш, бунда нафақат соҳага оид билимларни эгаллаш, балки сугуртанинг ижтимоий аҳамиятга эгалигини, зарарларнинг ўрнини қоплашга қаратилганлигини аниқлаш лозим бўлади. Бу эса моддий фаровонлик юқори бўлмаса ҳам сугурта хизматларидан фойдаланишни бирламчи эҳтиёжлар қаторига қўяди.

Умумий сугурта мукофотларининг бир фоизга ортиши сугурта компаниялари инвестиция фаолиятининг 0,86 фоизга ортишига олиб келади.


$$\begin{cases} Y_{Inins} = -9.52 + 1.82X_{Ininc_pc} \\ Y_{Ininv_ins} = 1.35 + 0.86X_{Inins} \end{cases} \quad (2)$$

Сугурта тизими ривожланган мамлакатларда сугурталовчилар асосий фаолиятдан қўрилган зарарларни инвестиция фаолиятдан олинган даромадлардан қоплайди, бу сугурта компаниялари учун инвестиция фаолияти билан шуғулланиш зарурлигининг биринчи сабаби бўлса, иккинчи сабаби сугурта орқали жалб қилинган маблағларнинг қулай инвестиция капитали ҳисобланиши билан ифодаланади. Бундай капитал қўйилмаларнинг амалга оширилиши натижасида бандлик даражасини оширишга, аҳолининг турмуш фаровонлигига ҳамда мамлакат иқтисодий ўсишига эришилади.

Бир қатор илмий тадқиқотларда коинтеграцион моделлар қўлланилган бўлиб, бунда асосий мақсад белгиларнинг бир-бирига қандай таъсир этишини аниқлашдан иборат. Биз мазкур тадқиқотларга таяниб, сугуртанинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қиламиз. Бунинг учун қуйидаги гипотезани шакллантирдик.

H0: умумий сугурта соҳасининг ривожланиши билан иқтисодий ривожланиш ўртасида коинтеграцион ўзаро боғлиқлик мавжуд

Маълумотларни шакллантиришда ЯИМ ҳажмининг ўсишини Статистика агентлиги сайтига мурожаат қилиш орқали



6-расм. Ўзбекистон Республикасида 2015-2022 йиллар давомидаги умумий сугурта ҳамда ЯИМ ҳажми ўсиши, фоизларда

шакллантирдик, умумий сугурта соҳасига оид маълумотларни эса индекслар методидан фойдаланиб тайёрладик. Хусусан, умумий сугурта ҳажмини занжирсимон тарзда бўлиб чиқиб, сўнгра ҳосил бўлган қийматларнинг инфляция даражасига нисбатини аниқладик.

Умумий сугурта мукофотлари ҳажмининг бир фоизга ортиши ялпи ички маҳсулотни 0,07 фоизга ортишига сабаб бўлади.

2-жадвал

Модел натижалари

	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95% Conf Interval]	Sig.
ins_g	.072	.024	3.5	.017	.011 .154	***
Constant	96.768	4.129	23.43	0	86.664 106.872	***


Mean dependent var	105.513	SD dependent var	1.707
R-squared	0.431	Number of obs	8
F-test	4.549	Prob > F	0.002
Akaike crit. (AIC)	29.681	Bayesian crit. (BIC)	29.840

*** p<.01, ** p<.05, * p<.1

$$gdp_g = 96.76 + 0.07 ins_g$$


(4.12) (0.02)

Моделнинг ишончлилиги гетероскадастлилик бўйича Брош-Паган тести, автокорреляция бўйича Дурбин-Уотсон тести ҳамда мультиколленеарликка текширилди.



7-расм. Мос қийматлар билан қолдиқларнинг ўзаро боғлиқлиги

Бизнинг фикримизча, мазкур моделда гетероскадастлилик хусусияти мавжуд эмас.



8-расм. Моделнинг 95% ишонч оралиғи

Эришилган натижалар

Тадқиқот натижалари ЯИМ ва сугурта мукофоти миқдорлари ўртасида регрессион ва корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон сугурта бозорида умумий сугурта мукофотлари миқдорининг бир фоизга ортиши ялпи ички маҳсулот миқдорининг 0,01 фоиздан 0,15 фоизгача ортишига сабаб бўлади.

Мамлакатимиз сугурта бозори ривожланиш босқичида бўлганлиги сабабли сугурта мукофотларининг ортиши ялпи ички маҳсулот ҳажмига сезиларли таъсир этмайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, сугурта хизматларидан фойдаланиш даражаси аҳолининг даромадликлари даражасига, турмуш шароити, касб-кори ҳамда бир неча омиллarga боғлиқ бўлиб, Ўзбекистонда бу кўрсаткич ҳали паст даражада. Шу сабабли моделнинг ишончли бўлишини таъминлаш мақсадида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг сугурта хизматларидан фойдаланиш даражасига таъсир этишини моделлаштирдик.

Маълумотларни шакллантиришда ЯИМнинг ўсишини Статистика агентлиги сайтига мурожаат қилиш орқали шакллантирдик. Сугурта маълумотларини эса индекслар методидан фойдаланиб тайёрладик. Хусусан, умумий сугурта ҳажмини занжирсимон тарзда бўлиб чиқиб, сўнгра ҳосил бўлган қийматларнинг инфляция даражасига нисбатини аниқладик.


3-жадвал

Модел натижалари						
Linear regression	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95% Conf. Interval]	Sig.
ins_g	1.092	.031	34.70	0	1.027	1.158 ***
gdp_g	-6.848	.356	-19.22	0	-7.589	-6.107 ***
Constant						
Mean dependent var	5.381	SD dependent var			1.871	
R-squared	0.983	Number of obs			23	
F-test	1203.762	Prob > F			0.000	
Akaike crit. (AIC)	3.542	Bayesian crit. (BIC)			5.813	

*** p<.01, ** p<.05, * p<.1

$$\text{ins}_g = 96.76 + 1.09 \text{gdp}_g$$


Тадқиқотимиз натижасига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизга ортиши сугуртанинг 1,09 фоизга ортишига сабаб бўлади. Моделнинг ишончлилиги гетероскадастлилик бўйича Брош-Паган тести, автокорреляция бўйича Дурбин-Уотсон тести ҳамда



9-расм. Мос қийматлар билан қолдиқларнинг ўзаро боғлиқлиги

мультиколленеарликка текширилди. Детерминация коэффиценти 0,98 га тенглиги, сугурта тўловларнинг ялпи ички маҳсулотга 98 фоизгача таъсир этишини ифодалайди. F test бош гипотезани рад қилишимиз учун ҳақиқий қийматнинг 1203,7 га, эҳтимоллиги 0000 бўлиши етарлидир. 95 фоиз ишонч билан модел статистик ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга. t test қийматининг 34,7 га тенглиги 90 фоиз ишонч билан параметрнинг статистик аҳамиятлилигини таъминлайди. Моделнинг мос қийматлари қолдиқлар билан ўзаро гомоскадастлилик шартини бажариши муҳимдир.

Бизнинг фикримизча, мазкур моделда гетероскадастлилик хусусияти мавжуд эмас. Чунки юқоридаги расмда қолдиқлар ва мос қийматлар ўзаро тарқок жойлашган.



10-расм. Моделнинг 95 фоиз ишонч оралиги

Ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизга ортиши сугурта хизматларидан фойдаланиш даражасининг 1,02 фоиздан 1,15

фоизгача ортишига сабаб бўлади. ЯИМ ҳажми мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини, иқтисодиётнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи энг муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, унинг ортиши миллий сугурта бозорининг ўсишини рағбатлантиради. Зеро, 2019 йил 2 августда қабул қилинган 4412-сон Президент Қарорида 2022 йилнинг сўнгига қадар сугурта мукофотларининг ЯИМдаги улушини 0,8 фоизга етказиш вазифаси белгиланган [11].

Хулоса

Диссертация иши доирасида бажарилган эконометрик моделлаштириш асосида бир неча таклиф ҳамда хулосалар шакллантирилди:

Тадқиқот натижалари умумий сугурта мукофотлари билан ЯИМ ҳажмининг ўсиши орасида коинтеграцион боғланиш мавжудлигини кўрсатди, жами сугурта мукофотларининг, хусусан умумий сугурта соҳасидаги мукофотларнинг ортиши ЯИМнинг ортишига хизмат қилади, шунингдек ялпи ички маҳсулот микдорининг ортиши билан сугурта хизматларига бўлган эҳтиёж ҳам ошиб боради. Буни қуйидагича изоҳлаймиз: иқтисодиёт тармоқлари, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва кўрсатилган хизматлар натижасида аҳолининг даромадлиги ошади, турмуш фаровонлиги яхшиланади, бирламчи эҳтиёжлардан кейинги эҳтиёжлар қатори кенгайди, ўз ҳаёти, саломатлиги, орттирган жамғармаларини йўқотиш хавфи ва уларни кафолатли сақлаш, химоя қилиш воситаларидан фойдаланиш истаги юзага келади ҳамда “ҳар эҳтимолга қарши” тамойилига амал қилган ҳолда молиявий-сугуртавий хизматлардан фойдаланиш талаби шаклланади. Жамиятда шаклланган талабларга жавоб берувчи сугурта хизматларини тақдим этиш орқали мамлакат сугурта бозорида ўсишга эришилади ва у ривожланганлик ва тараққиёт даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткич, яъни ЯИМ ҳажмида тўғридан-тўғри акс этади.

Шунингдек, умумий сугурта мукофотларининг бир фоизга ортиши ЯИМнинг 0,07 фоиз ўсишига таъсир қилиши аниқланди. Ўз ўрнида, ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизга ортиши умумий сугурта мукофотларининг 1,09 фоизга ортишини кўрсатди. Демак, аввал таъкидлаганимиздек, миллий сугурта бозорини ривожлантириш, сугурта хизматларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кириб боришини таъминлаш иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасига узвий боғлиқ.

Ҳозирда сугурта соҳасини жадал ривожлантириш иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида эътироф этилмоқда.

References:

1. Сугурта бозорини ривожлантириш агентлигининг йиллик ҳисоботлари.
2. Бадалов А.Д. Инвестиционный климат и его влияние на экономический рост: эмпирический анализ. Научно-аналитический журнал "Экономика: временные ряды и эконометрия", 2020. 2(8), 62-70.
3. Борисов В.А. (2015). Взаимосвязь между страхованием и экономическим развитием: анализ эмпирических данных. Вестник Томского государственного университета. Экономика, 34(4), 123-130.
4. Петров В.С. & Иванова Е.Н. (2016). Влияние инвестиций на экономический рост: эмпирический анализ. Вестник Самарского государственного экономического университета, 11(2), 127-133.
5. Козлова А.А. (2018). Взаимосвязь между страхованием и инвестициями: анализ эмпирических данных. Экономические исследования, 1(26), 58-64.
6. Смирнов И.В. (2017). Роль страхования в формировании финансовой устойчивости предприятий: анализ литературы. Экономический анализ: теория и практика, 16(4), 612-618.
7. Ли Х. & Ли Х. (2018). Сугурта ва умумий даромадлар. Оксфорд, Англия: Оксфорд университет нашриёти.
8. Харди Д., Ли, Х. & Миллер Р. (2016). Сугурта саноати ва аҳоли умумий даромадлари. Лондон, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нашриёти.
9. Смит А., Ли, Х. & Браун М. (2014). Сугурта фаолияти ва аҳоли умумий даромадлари орасидаги алоқа. Нью-Йорк, Америка: Колумбия университети нашриёти.

-
10. Жонсон Р., Ли Х. & Браун М. (2012). Сугурта камровлиги ва аҳоли умумий даромадлари. Чикаго, Америка: Чикаго университети нашриёти.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2019 йил 2 август.